



Республика Маънавият  
ва маърифат маркази

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИҚДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

**Шавкат Мирзиёев,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент – 2022 йил



## “ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ” ПАЛЛАСИ

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “**тарихий эврилиш**” палласига тўғри келди – бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

# БУГУНГИ КУН ҲАҚИҚАТИ



Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир.

Бу эса ўз навбатида геосий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда.



Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштирмоқда.



# ГЛОБАЛ МУАММОЛАР



Шу билан бир қаторда, **глобал иқлим ўзгариши**, **табiiй бойликлар** ва **сув ресурслари танқислигининг** ортиши, **биохилма-хилликка** путур етиши ҳамда **хавфли юқумли касалликлар** тарқалиши **жамиятларимизнинг** заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда.



Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган **муштарак қадрият** ва **неъматларнинг** емирилишига олиб келиб, **одамлар ҳаёти** ва **фаолиятига** таҳдид солмоқда, уларнинг **даромад манбаларини** қисқартирмоқда.

# ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ЧАНГИ ЧИҚМАС



Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яккаю ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир.



Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

## БИРГАЛИКДА САФАРБАРЛИК

тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши **умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш** барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

## САМАРАЛИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК -

дунёда **барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омил**идир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун **энг аниқ, мақбул ва самарали йўл** ҳисобланади.



# МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

## ЭНГ МУҲИМ ВОСИТА

Барчанинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган **халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди.** Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамасдан, улар **минтақавий** ва **глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси** бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда.

## ШХТ – ЭНГ ЁШ СИЁСИЙ ИНСТИТУТ

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти** айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди.

Тарихан қисқа даврда **ШХТ** катта йўлни босиб ўтиб, **глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди**, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

## ШХТ ФАОЛИЯТИ ТАМОЙИЛЛАРИ

**ШХТ**нинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибadorлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган **қуйидаги тамойилларда** намоён бўлмоқда: **ШХТ**нинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг **тенглиги** ва **суверенитетини хурмат қилиш**, ички ишларга **аралашмаслик**, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.

## ШХТ БУГУН

Бугунги кунга келиб **ШХТ** ҳамжамияти – **улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.**

## ШХТ – ЖОЗИБАДОР МАКОН

**ШХТ**нинг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали **кўп томонли ҳамкорликни** илгари суришдадир.

**ШХТ** ўз моҳиятига кўра, **тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт** йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган **жозибador маконга** айланиши лозим.



## ШХТнинг иқтисодий аҳамияти



ШХТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.



Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий Ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШҲТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига** раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олгач, асосий эътиборни **ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш** ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг **фойдаланилмаган резервларини ишга солиш** орқали **Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига** қаратди.



## БИЗНИНГ АСОСИЙ ШИОРИМИЗ



“Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади”. Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибадор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

## ШХТ УЧУН ЯНГИ КУН ТАРТИБИ

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

## КЕНГ ҚАМРОВЛИ ШЕРИКЛИК

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.





## ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАИСЛИК ДАВРИ

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.



## ЯНГИ ТИНЧЛИК МИССИЯСИ

Асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.



## ШХТ МАКОНИНING АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Бугун ШХТ доирасида шакланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож.



## ШХТНИНГ МАЪНАВИЙ БУРЧИ

Афғонистонга биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.



# SAMARKAND 2022

## НАМУНАВИЙ ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

Бундай ўзаро манфаатли минтақалараро ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида **Трансафғон коридорининг қурилиши** лойиҳасини айтиш мумкин. Шунинг ҳам англаш муҳимки, **“Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар”** темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали, биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этибгина қолмасдан, **минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшишимиз** мумкин.



# «САМАРҚАНД РУҲИ» – ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ

Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакати етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равнақига хизмат қиладиган янги ва илғор таклиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.



## АФСОНАВИЙ ШАҲАР, ЯГОНА ЧОРРАҲА



Ушбу афсонавий шаҳар **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти** тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар **Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустақкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.**

## ЭНГ ҚУЛАЙ ВА МАҚБУЛ МАЙДОН

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг **бундай ноёб жиҳатлари** уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш **учун энг қулай ва мақбул майдонга** айлантирмоқда.



## ЎЗИГА ХОС НАМУНА



**ШҲТнинг Самарқанд саммити** умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган **янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.**

## БАХТНИНГ БИР БЎЛАГИ



Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар “қайнаган” макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган.



Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни – бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган.



## ЯНГИ ФОРМАТ, МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР



“Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.



Тарихан шакланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади.



## ШАНХАЙ РУҲИ = САМАРҚАНД РУҲИ



Аслини олганда, **“Самарқанд руҳи”** бундан **20 йил** аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган **“Шанхай руҳи”**ни уйғун равишда тўлдириб туради.



Шу сабабдан аминмизки, **Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз** – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг **келажак кун тартиби** шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**



**Тошкент – 2022 йил**